ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00365

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдували Лутфуллаев
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали

Илҳом Ғаниев
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали

Нўмон Яхшиев
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали

АННОТАЦИЯ

“Масофавий ўқитиш” атама деб масофадан туриб ташкил қилинган таълим тушунилган. Унга “корреспондентлик ўқитиш”, “уйда ўқиш” ва бошқалар синоним ҳисобланиши. Масофавий таълим технологиялари кундузги, сиртқи, кундузги-сиртқи; экстернат шаклларида; таълимнинг маълум босқичларида; асосий ва қўшимча таълим дастурларини амалга оширишда қўлланилиши. Мақоланинг мақсади таълимда ўқитиш турлари самарали қўллашдан иборат.

Калит сўзлар: Масофавий ўқитиш, кейсли ўқитиш, телевизион ўқитиш, тармоқли ўқитиш, мобил ўқитиш ва синхрон ўқитиш.

THE ROLE OF MODERN MODELS IN DISTANCE LEARNING

Abduvali Lutfullayev
Karshi branch of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Ilhom Ganiyev
Karshi branch of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Numon Yakhshiyev
Karshi branch of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

ABSTRACT

The term "distance learning" is understood as distance learning. It is synonymous with "correspondence training", "home schooling" and others. Distance learning technologies full-time, part-time, full-time; in external forms; at certain stages of education;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00365

application in the implementation of basic and additional education programs. The purpose of the article is to effectively use the types of teaching in education.

Keywords: Distance learning, case learning, television learning, network learning, mobile learning and synchronous learning.

КИРИШ

Масофавий таълим. Техлогиялари - бу таълим олувчи ва педагог Масофавий таълим техноходимнинг тўлиқ ёки қисман масофадан ўзаро фаолиятида асосан ахборот ва телекоммуникация технологияларини қўллаб амалга ошириладиган таълим технологиялари тушунилади. Масофавий таълим соҳасида нуфузли назарий ишланмалар мавжудлигига қарамасдан, таълим жараёнини ташкил қилиш шакли сифатида ҳозирда масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш кенгроқ ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бутун дунё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясини бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимиз таълим тизими ҳам жиддий синовга дуч келди. Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Бугунги қийин шароитга қарамасдан, давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ва сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бу борадаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, қисқа муддат ичида юртимизда “онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим жорий этилди” дейди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТиндустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қуйидагилар белгилаб қўйилган “Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Хабарингиз бор, республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда талабаларнинг билим олиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00365

фаолиятини масофадан туриб методик қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 1 апрелдан масофавий таълим платформалари ишга туширилган эди. Бундай платформалар аввалом бор, имконияти бор талабаларга мутлақо янги форматдаги, яъни виртуал муҳитда талабалар ва ўқитувчи аудиториясини шакллантириш орқали ўқув жараёнини ташкил этиш имкониятини берди.

НАТИЖАЛАР

Масофавий таълим технологияларини қўллашда таълим олувчи машғулотда қатнашмайди, лекин топшириқларни бажаради ва тьютор билан электрон почта орқали мулоқот қилади ёки тьютор таълим олувчиларга дарсдан ташқари вақтда блог ёки сайт орқали консультация беради.

Масофавий таълим технологиялари кундузги, сиртқи, кундузги-сиртқи; экстернат шаклларида; таълимнинг маълум босқичларида; асосий ва қўшимча таълим дастурларини амалга оширишда қўлланилиши мумкин. Масофавий таълим технологияларида қўлланиладиган алоқа усули ҳар турли бўлиши мумкин. Улар электрон почта орқали ёзишмалар, шахсий сайтлар/блоглар орқали мулоқотлар, материалларни турли электрон ресурслар ёрдамида ўрганиш ва бошқалардан иборат. Шундай қилиб, масофавий таълим технологияларига локал ўрнатилган дастурлар ва тренажёрлар бўйича ўқитиш ҳам киради. Баъзан масофавий таълимнинг эскираётган технологияларига ахборот-коммуникация тармоқларидан фойдаланмасдан амалга ошириладиган ўзаро фаолият (телерадиоэшиттириш, телефония, материалларни почта орқали жўнатиш) ҳам киритилади.

“Масофавий ўқитиш” атама деб масофадан туриб ташкил қилинган таълим тушунилган. Унга “корреспондентлик ўқитиш”, “уйда ўқиш” ва бошқалар синоним ҳисобланган.

А.А.Андреев турли таърифларни таҳлил қилиб, “масофавий ўқитиш таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро ва таълим воситалари билан биргаликдаги фаолияти уларнинг макон ва замонда жойлашишларига инвариант бўлган ўзига хос махсус дидактик тизимда амалга ошириладиган интерфаол фаолиятларининг мақсадга йўналтирилган, ташкил қилинган жараёни, деган хулосага келади”.

МУҲОКАМА

Кейсли ўқитиш. Бу технологияда ўқув-методик материаллар махсус тўплам “кейс” кўринишида таълим олувчига мустақил ўрганиш учун берилади

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00365

ва унга тьютор томонидан вақти-вақти билан маслаҳатлар бериб, ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар белгиланган жадвал асосида назорат қилиб борилади. Ўқитувчилар билан юзма-юз учрашув вақти-вақти билан белгиланган кунларда амалга оширилади, бошқа вақтларда эса керакли маслаҳатни телефон, факс, электрон почта орқали олиши мумкин. Курс охирида имтиҳонлар юзма-юз ёки тегишли алоқа воситалари орқали амалга оширилади.

Телевизион ўқитиш. Таълим жараёнини ташкил қилиш учун радиотрансляция тармоқлари ва телевидениенинг қувватлари, имкониятлари ва ресурс потенциалидан фойдаланиш орқали масофадан ўқитиш назарда тутилади.

Тармоқли ўқитиш. Тармоқли технология локал ва глобал тармоқлар орқали таълим олувчиларни ўқув-методик материаллар билан таъминлаш ҳамда турли хил интерфаол алоқалар воситасида тьютор билан таълим олувчининг ўзаро ўқув фаолиятини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Бу бугунги кунда истиқболи порлоқ ва ривожланиб бораётган масофавий ўқитиш технологияси ҳисобланади. Чунки у ўқувни ташкил қилиш учун, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан, Интернет тармоғининг кенг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш имконини яратади.

Мобил ўқитиш. Бунда таълим олувчилар масофавий ўқитиш жараёнида ўзларининг шахсий мобил телефонларидан фойдаланган ҳолда ўқишлари назарда тутилади.

Бу усулдан ҳам ҳозирги кунда кичик ҳажмдаги масофавий курсларни жорий этишда фойдаланиш мумкин. Шуни аниқлаштириш керакки, албатта, масофавий курслар тегишли ўқув режалар асосида ташкил этилади. Мобил ўқитишда эса таълимга оид маълум бир парчаларни ўқиш билан тегишли фанлар ўқув режаси билан барча компонетлар (мазмун, шакл, метод, восита, назорат) асосида ташкил этиладиган курсларни аралаштириб юбормаслик керак. Шунингдек, масофавий ўқитиш ўқув жараёнини синхрон ва асинхрон ҳолатида амалга ошириш мумкин.

Синхрон ўқитиш режими - реал вақтда масофавий ўқитиш. Бундай қитишни ташкил этиш воситаларига видеоконференция, чат, вебинарлар асосида реал вақтда хабарларни алмашишлар киради. Синхрон ўқитишда тегишли модуллар бўйича масъул Ўқитувчилар реал вақт ичида видеоконференция, чат, вебинар каби воситалар ёрдамида масофавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00365

машғулотлар олиб бориш, машғулотлар жараёнида турли хил педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади.

Асинхрон ўқитиш режими - ҳар бир таълим олувчининг ўзи учун қулай бўлган турли вақтларда мустақил ўқиш шаклида амалга оширилади. Бундай ўқитишда таълим муассасасидан узоқда бўлган таълим олувчилар мустақил шаклда ўқувметодик материаллар асосида таълим олишади.

Асинхрон ўқитишда ҳар бир таълим олувчининг ўзи учун қулай бўлган турли вақтларда махсус ўқув порталга жойлаштирилган ўқув-методик материалларини мустақил ўзлаштиради ва ўзлаштирилган билимлари турли хил интерфаол ва амалий топшириқлар орқали назорат қилинади. Мавжуд тажрибалар шуни кўрсатадики, юқорида таъкидланган ўқитиш моделлари, ўқитиш режимларидан бир нечтасидан баравар ўқув жараёнида фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Умуман олганда, таълим жараёнини ташкил этишда турли хил моделлар, ўқитиш технологиялари мавжуд. Шундан ҳозирги кунда юқоридагиларни бирлаштирган ҳолда амалда қўллаш ва модел сифатида энг кўп фойдаланиладиган анъанавий, масофавий, аралаш таълим моделларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон давлатларида масофавий ўқитишнинг анъанавий ўқитишга нисбатан ташкилий-педагогик, мазмун, технологик, молиявий ҳамда таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялаштириш томонларидан бир қатор афзалликлари, устунликлари мавжуд ҳисобланади.

Юқоридаги таъкидланган барча фикрлардан келиб чиқиб, масофавий ўқитишнинг таълим тизимида устунликлари қуйидагилардан иборат: масофавий ўқитиш очиқ ҳисобланади, ҳамма хоҳлаганларга таълим олиш имкониятларини беради;

• масофавий ўқитиш турли хил даражадаги ўқув дастурларидан фойдаланиш имконини беради;

• масофавий ўқитиш таълим олувчининг билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади;

• масофавий ўқитиш индивидуаллашган ва дифференциациялашган ўқитишнинг вазифаларини ечишга имконият яратади;

• масофавий ўқитиш таълим олувчига яшаш жойини ўзгартирмасдан, ишдан ажралмаган ҳолда ўқиш имкониятини яратади;

• масофавий ўқитиш кадрларни тайёрлашдаги устунлиги, тьюторнинг касбий маҳорати даражасини оширишга имконият яратади, ходимларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00365

етишмаслигини компенсация қилиш ва ўқув курсининг даврли такрорланишини қисқартириш имконини беради;
• масофавий ўқитиш маҳаллий ва хорижий электрон таълим ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратади;
• узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари ва ҳаёт муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган билимларни узлуксиз эгаллаш имкониятини беради;
• ўзига қулай бўлган вақтда ва исталган жойда мустақил равишда ўрганишини ташкил этиш ва ўзига зарур бўлган таълим воситаларини эркин танлаш, олиш имкониятини яратади;
• ўқув жараёнини мустақил равишда узлуксиз ёки вақти-вақти билан таълим олиш эҳтиёжини бошқариш имкониятини беради;
• таълим олувчининг қандай ёшда бўлишига қарамасдан, турли хил таълимга оид манбалардан чексиз фойдаланиш имконияти яратилади;
• таълим муассасаларида шакллантирилган ноёб ўқув дастурларини бирлаштириш имкониятини беради;
• таълим сифати ва жамиятнинг таълим олиш даражасини ошириш имконини яратади;
• малакали ва сифатли мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари кенгаяди;
• аҳолининг ижтимоий ва касбий мослашувчанлиги, унинг тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллиги бўйича онгини ва мустақил фикрлаш қобилиятини оширади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, масофавий ўқитишни узлуксиз таълим тизимида фойдаланиш бўйича жаҳонда етарлича тажриба тўпланган ва уларнинг таҳлилининг кўрсатишича масофавий ўқитиш, анъанавий таълим муассасаларидаги ўқитишга қараганда арзонга тушади.

Масофавий таълим сифатини таъминлаш учун, ҳам олий таълим муассасалари, ҳам профессор-ўқитувчилар, ҳам талабалар, ҳам алоқа каналлари бирдек тайёр бўлишлари лозим. Лекин, аввалдан таълим соҳасига масофавий ўқитиш элементларини киритиб боришга йўналтирилган мақсадли фаолият пандемия туфайли ушбу ишларни тезлаштиришни тақозо этди. Муҳими йўналиш тўғри белгиланган, таълим муассасаларида хато қилишдан қўрқмаслик маълум даражада янги форматдаги ўқув жараёнини бошлашни таъминлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00365

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони
3. Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи - Тошкент: 2020
4. А.Е.Ибраймов. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Тошкент: “Лессон пресс”, 2020, 13 бет
5. A.A.Lutfullayev “Axborotning ma’naviy tahdidga aylanishi” Nam.DU ilimiy jurnali-2020.